# Етти нарса (келишидан олдин) яхши амалларни қилиб қолишга шошилинглар

07:37 / 20.10.2018    2187

?????? ????? ????????? ?????? ????? ?????? ?????
??????? ????? ?????? ????? ??????? ?????????
?????: **«بَادِرُوا بِالْأَعْمَالِ سَبْعًا، هَلْ تَنْتَظِرُونَ إِلَّا فَقْرًا مُنْسِيًا، أَوْ غِنًى مُطْغِيًا، أَوْ مَرَضًا مُفْسِدًا، أَوْ هَرَمًا مُفَنِّدًا، أَوْ مَوْتًا مُجْهِزًا، أَوِ الدَّجَّالَ فَشَرُّ غَائِبٍ يُنْتَظَرُ، أَوِ السَّاعَةَ وَالسَّاعَةُ أَدْهَى وَأَمَرُّ؟»**. ???????
?????????????? ???????: ??????? ??????.

578/5. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«**Етти нарса** (келишидан олдин) **яхши амалларни қилиб қолишга шошилинглар. Бунда сизлар қуйидаги нарсаларни кутасизлар, холос: 1) Камбағаллик – ҳамма нарсани унуттириб юборади. 2) Бойлик – туғёнга кетишга сабабчи. 3) Беморлик – барча нарсани фасод қилади. 4) Қарилик – ҳамма нарсани хотирдан чиқариб юборади. 5) Ўлим – тамом қилиб тезлатувчи. 6) Дажжол – кутилаётган ғойиб нарсаларнинг энг ёмони. 7) Қиёмат – ўша қиёмат фалокатларнинг энг оғири ва аччиғидир**», дедилар (яъни, инсон шу етти ҳодиса юз бермасидан олдин вақт ғаниматида охират учун тайёргарлигини қилиб қўймоғи лозим).

Имом Термизий ривоятлари.